



# Хабарлар

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 21 mart № 12 (497)

Sotuvda narxi erkin

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги юртимизнинг заҳматқаш алоқачиларини ҳамда барча ватандошларимизни уйғониш, янгиланиш ва яшарниш фасли бўлиши Наврўз байрами билан самимий муборақбод этади.

Қутлуг Наврўз айёми ҳаммангизнинг оилангизга хушқайфият, тинчлик-тотувлик, хонадонингизга файзу барака олиб кирсин.

*Бахт ва саодат ҳамини сизларга ёр бўлсин!*

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида навбатдаги селектор йиғилиши ўтказилди. Уни Агентлик Бош директори ўринбосари А.ИЗБОСАРОВ олиб борди.

Йиғилишда "Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация тармоқларида иш сифатининг 2001 йил якуни тўғриси-

сифатини таъминлашга етарли эътибор қаратилмаганлиги таъкидланди. Компаниянинг "Қорақалпоқ Телеком" филиалида республика бўйича алоқа кабеллари энг кўп миқдорда олинганига қарамай, ишлар қониқарсиз аҳволда эканлиги, шу билан бирга корхонага қарашли 7 та шаҳар ҳамда 163 та қишлоқ АТСларида аккумуляторлар йўқлиги айтилди. "Андижон Телеком" филиали эса хавфли кесилмалар сони бўйича республикада биринчи ўриндалиги, "Самарқанд Телеком" ШКнинг 98 та қишлоқ

## • Муаммо

марканд Телеком" ШКнинг Оқдарё, Гузалкент, Булунгур, Каттакўрғон, Ургут, Пастларғон туманлари бўлимларининг раҳбарларига нисбатан ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошганликлари ва камчиликларга йўл қўйганликлари учун тегишли интизомий чоралар кўрилиши, Т.Дадабоев



Абдулла ОРИПОВ  
Ўзбекистон халқ шоири

## НАВРЎЗ

Аввал юрагингга мўралайди у,  
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.  
Заминнинг кўзидан қочади уйку,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврўз!

Қишнинг аҳволига боқиб ҳойнаҳой,  
Юм - юм ёш тўқмоқда эриётган муз.  
Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврўз!

Она бағри каби илиқдир олам,  
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.  
Қолди пучмоқларда хазон янглиг гам,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврўз!

Яна кўнгиллардан рутубат кетди,  
Яна шуьлалардан қамашмоқда кўз.  
Яна дилдорликнинг фурсати етди,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврўз!

## БАҲОНА ЭМАС, ИМКОН ҚИДИРИНГ

да"ги масала муҳокама қилинди. Унда "Ўзбектелеком" АК "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиали техник директори Р.Сулаймонов, "Шаҳарлараро ва халқаро алоқа тармоқларини бошқариш маркази" бошлиғи Р.Рамазонов, "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Э.Аллаев ҳамда Давлат алоқа инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари А. Гаюповларнинг шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация тармоқларининг ишлаши, телекоммуникация хизматлари кўрсатиш сифати ва буғунги кундаги муаммоларга оид маърузалари тингланди. Музокараларда Агентлик бош директори ўринбосари Ш.Обидхўжаев ва Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ф.Зибеллар иштирок этди.

Маърузаларда соҳадаги ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан сифат кўрсаткичларининг меъёрий талаб даражасини таъминлашда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, жойларда телекоммуникация ускуналари техник талабларга жавоб бермаётганлиги, хизмат кўрсатиш сифати пастилиги таъкидланди. Бу борада аввалги селектор йиғилишида айтиб ўтилган бўлса-да, бундан жойлардаги раҳбарлар тегишли хулоса чиқарамаганлар.

2001 йил якунига кўра "Ўзбектелеком" АК "Қорақалпоқ Телеком", "Андижон Телеком", "Тошкент Телеком", "Фарғона Телеком", "Наманган Телеком", "Сирдарё Телеком", "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиаллари, "Жиззах Телеком", "Самарқанд Телеком", "Сурхондарё Телеком", "Қашқадарё Телеком" шуьба корхоналарида телекоммуникация хизматлари кўрсатиш

ва битта шаҳар АТСлари, "Фарғона Телеком" филиалида эса мавжуд 114 қишлоқ АТСларидан 32 таси АОН қурилмаси билан таъминланмаганлиги, "Сурхондарё Телеком" ШКда хавфли кесилмалар сони ўтган йилга нисбатан кўпайганлиги, "Қашқадарё Телеком" ШКнинг бор имкониятлардан фойдаланмаётганлиги қаттиқ танқид остига олинди. Айниқса, "Жиззах Телеком" ШК аҳолини алоқа билан таъминлай олмаётганлиги, АТС ҳамда кабеллар аҳволи жуда ёмонлиги, мавжуд қишлоқ АТСларидан 53 таси 2001 йил давомида келажакда янги АТСлар ўрнатиш баҳонаси билан ноқонуний равишда ҳисоботдан чиқариб ташлангани ва яна 14 тасини ҳисоботдан чиқариш таклифи берилганлиги, бу эса "янги уйни қурмай туриб эскисини бузмаг" шиорига умуман зид эканлиги, бир сўз билан айтганда филиалда мулкка эгалик ҳисси умуман йўқлиги рўйи рост айтилди.

"Сирдарё Телеком" ШКнинг пойтахтта энг яқин бўлишига қарамай Тошкентдан ушбу вилоят марказига чиқишда уланиш фоизи жуда пастилиги, муаммони ҳал қилиш ўрнига корхона раҳбарияти турли ваз-қарсон кўрсатаётганлиги таъкидланди. Энг ачинарлиси, йиғилишда алоқа хизмати сифатини таъминлаш бўйича бирорта корхона ўрнат қилиб кўрсатишга лойиқ топилмади. Ҳатто корхоналар ичида нисбатан юқори кўрсаткичларга эришиб келаятган Навоий ҳамда Бухоро филиалларида ҳам кейинги пайтларда орқага кетиш ҳоллари кузатилаётганлиги қайд қилинди.

Мажлисада қатнашган телекоммуникация корхоналарининг масъул раҳбарлари Қ. Калонов, В. Тоғоев, М. Ниёзов, Э. Ҳасимов, Б. Эрғашев, А. Уринбоевларга ҳамда "Са-

"Сирдарё Телеком" филиали техник директори ва Д.Шаҳобов ("Андижон Телеком" филиали Асака бўлимининг техник директори)ларнинг эса лавозимига лойиқлиги масаласи кўриб чиқилиши таклиф этилди ҳамда қўрилган чоралар бўйича икки ҳафта ичида Агентликка ахборот берилиши уқтирилди.

Жойларда йўл қўйилаётган камчиликларга эътиборсизлик билан ёндошаётганлиги боис Давлат алоқа инспекциясининг вилоят бўлимида бошлиқлари - М.Тошпоя (Қорақалпоғистон), Р.Таваккалов (Андижон), Ҳ.Мамедов (Жиззах), А.Атамуратов (Бухоро), Х.Хамдамова (Навоий), Х.Ходиев (Самарқанд) ва Л.Чуб (Тошкент шаҳри)ларга ҳам интизомий чоралар қўриш ҳамда Қашқадарё вилояти бўлимининг бошлиғи Ю.Жовуновнинг лавозимига лойиқлиги масаласи кўриб чиқилиши тавсия этилди. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қондаларига риоя қилиш, ходимларнинг махсус кийимлар билан таъминлаш, хавфли кесилмалар сонини камайтириш масалаларини ҳал этиш юзасидан фикрлар билдирилди. Вазифасига эътиборсизлик қилаётган, ўзининг билимсизлиги, узоқни кўра олмаслиги билан соҳа ривожига тўсиқ қўяётган раҳбарлар билан келиши бўлмаслиги қатъий айтилди.

Йиғилишда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

## ШАҲАРДАГИ ЭНГ КЎХНА АТС

Тошкент шаҳридаги энг кўхна АТСлардан бири 33-АТС биринчилардан бўлиб 133/132/136- рақамли электрон станцияга айлантирилган. Ушбу станция ҳозирги кунда 20 мингдан ортиқ миҳозга хизмат кўрсатмоқда.

Яқинда "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалида мазкур станциянинг 70 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон почта ва телекомму-

никациялар агентлиги Бош директори А.Арипов, корхона бош директори С.Аъзамов, Марказий филиал директори Н.Султоновлар иштирок этишди. Қатнашчилар станциянинг 70 йил мобайнида босиб ўтган тарихий йўли, у ерда меҳнат қилган заҳматқаш алоқачилар ҳақида гапирдилар.

М.НАСРИТДИНОВА,  
Д.ХУСАНОВА

# ●“Хабар” ўн ёшда НАВРЎДА ТУФИЛГАН ГАЗЕТА

Бундан ропна-роса ўн йил муқаддам, аниқроғи 1992 йил, 21 март — Наврў байрами кунини “Хабар” газетасининг илк — нишона сони чоп этилган эди. Мустақил республикамиз алоқачиларининг кўп йиллик орузи ушалай, ўз нашрига эга бўлдилар.

Газетамизнинг Наврў байрамида ташкил этилишида рамзий маъно бор эди. Маълумки, Наврў яшарини, янгиланиш байрамидир. “Хабар” ҳали жуда ёш, навқирон мустақил давлатимиз учун сув билан ҳаволай зарур бўлган алоқа соҳаси муаммоларини, ундаги янги-

лими? Муассис ёрдам беряптими?” ра осасиз бўлишса, газетамизнинг кўлами, мазмун-мундарижаси, мавзу доираси ҳам шунчалик салмоқли бўлади. (Тўғри, бу бордада ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар бор.) Сўнгги йилларда вилоятлардаги мухбирларимиз фаолиятида анча жонланиш сезилмоқда. Нортжи Зиёев (Сурхондарё), Раҳмонжон Узоқов (Андижон), Олим Хўжаев (Навоий), Абдуғофур Ҳотамов (Сирдарё), Аскар Истамов (Бухоро) каби мухбирларимизнинг номи “Хабар” муштарийларига яхши таниш.

Агентлик раҳбарияти таҳририятимиз олдига соҳадаги муаммоларни янада теранроқ ёритишни, камчиликларни фож этишда далилроқ бўлишни талаб қилмоқда. Бу тўғри талабга жавобан сўнгги йилларда газетамизда бир қанча янги рухлар жорий эдики. Эндиликда “Муаммо, Мулоҳаза”, “Танқид”, “Оқиқ гап”, “Бета айтганинг захри йўқ”, “Қилмишқидирмиш”, “Ҳамкорлик уфқлари”, “Алоқа соҳасида талбиркорлик”, “Таклиф”, “Еднома” каби рухлар остида берилаётган мақола, хат-хабарлар муштарий диққатини жалб қилмоқда. Танқидий чиқишларга муносабат ҳам бирмунча ўзгариш. Расмий жавоблар кеза бошлади.

Алоқачилар ўртасида шундай бир гап бор: эмишки, алоқа хизмати худди ҳавога ўшар экан. Ҳаво борлигида ҳамма эркин нафас олиб юрсадики, ҳавонинг бор-йўқлигини ўйлаб ҳам ўтirmайди. Агар бир зум ҳаво етишмай қолса-чи? Алоқа ҳам шундай, телефон меъдарида шалб турса, унинг бор-йўқлиги унчаллик сезилмайди, аммо у бир кун эмас, бир соатгина ишламай қолса-чи?.

Биз — “Хабар”чилар ўн йилдан буён ана шундай заҳматқаш касб соҳибларидан бири бўлиши алоқачиларнинг дарду қувончларига шерикимиз. Уларнинг ютуқларидан самимий қувонамиз. Элу юрт олдига ҳаммиса юзлари ёруғ бўлишини истаймиз.

Қарс икки кўлдан дейдилар. Ишончимиз комилки, ўз навбатида агентлик раҳбарияти ва жамияти заҳматқаш алоқачилар билан самарали ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам яна узоқ йиллар давом этаверди ва мустақил Ватанимиз равақли, эл-юртимиз фаровонлиги йўлида биргаликда, кўли-кўлга бериб, астойдил меҳнат қилсаверимиз.

**Шаймон ОТАБЕК,**  
“Хабар” газетаси бош муҳаррири



ланиш ва ўзгаришларни ўз саҳифаларида ёритиши, айни чоғда янги нашр алоқачиларнинг яқин, доимий ҳамроҳи, ҳаммаслаги бўлиб қолиши лозим эди. Таҳририятнинг бу шарафли вазифаларини қай даражада уддалай олгани кўпминг сонли муштарийлар ҳукмига ҳавола, албатта. Фақат бир гапни далил айтиш мумкинки, “Хабар” газетаси эндиликда республикамиздаги бошқа кўпгина тармоқ газеталари орасида, шунингдек, ўз ўқувчилари ўртасида ҳам мустақдам нуфузга эга.

Агентликдаги уруш ва меҳнат фахрийлари билан бўлган бир учрашувда узоқ йиллар алоқа соҳасида самарали хизмат қилган меҳнат фахрийси Ҳожижа Маҳкамова шундай деган эдилар: “Биз — меҳнат фахрийлари кўпчилиги уйда ўтирамиз. Алоқа соҳасидаги муаммолар, янгиликларни асосан ўзимизнинг “Хабар” газетаси орқали биламиз”.

Сир эмас, бозор иқтисодиёти таҳририятларини ҳам жиддий синовдан ўтказмоқда. Ҳамкасблар ўзаро учрашиб қолганимизда бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўраймиз: “Ҳўш, обуна қандай бўляпти? Қоғоз етар-

ни (вёрстка) оруз қилардик. Мана, ўтган йилдан буён агентликнинг бергазар молдий ёрдами туяйли бу истагимиз ҳам рўёбга чиқди. Натижада ишимиз анча энгиллашди, маълум миқдорда маблағ ҳам тежалданган бўлди.

“Хабар” тарихига назар ташлаганда турли йилларда таҳририятимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилган солибқ ҳамкасбларимиз — Ёқуббек Яқвалхўжаев, Фуломжон Фаҳруров, Муҳаммадражаб Имомов (оллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин), Ислом Усмонов, Абдугани Абдурахмонов, Юсуф Расул, Феруза Шарарафудинова, Гайрат Қобилов, Фарруҳ Ҳошимов, Улугбек Яқвалхўжаев, Ойгул Меленова ва бошқаларнинг номларини ҳурмат-эҳтиром билан эслаймиз. Шунингдек, Анатолий Кудинов, Тўлқин Лутфуллаев, Рихсибой Исаев, Омон Абдуазизов, Жалол Саидмуродов каби муаллифларимиз билан ҳамкорлигимиз янада самарали бўлишини истаймиз.

Газетамизнинг жойлардаги мухбирларини дарахт томирига қиёслаш мумкин. Мухбирлар қанчалик фаол, самарали ишласа, камчиликларга му-

Баҳор фасли ўлкамизга кириб келган лаҳзалардоқ қалбимизга бир илдиклик инвди. Тоза ва мусабфо осмонга боқиб, қийос гуллаган дарахтларга термулиб, ям-яшил майсалар ифориши туйиб, шивирлаймиз: “Кўкларамга, бегубор фаслга етдик, шукр”.

Наврўзи олам кезаётган фарахбахш дамларда муштарийлар билан гурунглашдик.

**Тожимурод ХЎЖАҚУЛОВ,**  
Агентлик мутахассисларини тайёрлаш ва қайта ташкил этиш бўлими бош мутахассиси.

Уйғониш, янгиланиш ва эзулик, меҳр-муҳаббат, қадр-оқибат, хайру саховат рамзи — Наврўзи олам қулғу қадами билан юртимизга кириб келди. Мустақиллик шарафати билан

дан нафас олди. 2000 йилнинг иккинчи ярмида “Адолат кучи” адвокатлик фирмаси ташкил этилиши билан “Хабар” фирмаси ўзининг ҳамкори, муаммолар ечимига кўмакчи сифатида қабул қилди ҳамда фирма тўғрисида хабарлар бериб, уни алоқачиларга таниди, ўз ўрнини топишга кўмаклашди. Биз янги асрининг иккинчи йиллини бошладик, бу янги сарҳисоб бошланди, улкан умр қарвони эндиликка йўлга чиқди дегани. Мен “Хабар” нинг замон билан ҳамқадам бўлишини, узоқ йиллар мабуот қозонида қайнашни тилаб қолганимиз ва барча муштарийларни Наврўзи байрами билан муборакбод этамиз.

**Сурмахонов ҲАСАНОВА,**  
“Ўзбектелеком” АК “Фаргона Телеком” филиали бўлим мудири.

— Дилларда Наврўзнинг бетимсол сурури жўш уради. Қўйш ярқ этиб кўришиб, кўнгилларнинг энг

## ФАРАҲБАХШ ЛАҲЗАЛАР ҚУВОНЧИ

Наврўз том маънодаги меҳрибонлик ва саховат айёмига айланди. Шу сабаб ушбу гўзал байрамнинг ҳаётбахш эгисини қалбимизни, ҳаётимизни, хонадонимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғуларини билан нурафшон этмоқда.

Ишончим комилки, 2002 йил ҳам ҳар лақиқаси, ҳар кунини буюк ўзгаришларга бой, эртаси мунаввар мамлакатимиз учун тараққиёт йили бўлажак. Зеро, бутун ватан ва миллат соддати йўлида амалга оширилаётган ишлар бунга қатъий ишонч уйғотди.

Алоқа соҳаси ходимлари ва барча юрulloшларимиз Наврўзи айёми билан муборакбод этар эканам, уларга тинчлик, омонлик ва бахт-саоват ҳаммиса ҳаётимизни тилайман. Илоё, ушбу улғу ва ёруғ кунларда қилаётган эзу ниятларини, пок тиллаклари ижобат бўлсин.

Бугунги байрам “Хабар” таҳририяти ходимлари учун алоҳида, қадрли кундир. Севилим газетамизнинг 21 март — Наврўзи айёми кунини ўн ёшга тўлиши муносабати билан газета ижодкорларини муборакбод этаман, келажакдаги ишларига ривож, ижодий баркамоллик тилайман.

**Маҳаммадали ТУРҒУНОВ,**  
“Адолат кучи” адвокатлик фирмаси бош директори ўринбосари.

“Хабар” ўн ёшга тўлганига ҳеч ишонгинг келмайди. Дўстлар хурсандчилиги-ю, таҳририят ходимларининг газетани алоқачиларнинг севилим наشري қилиш йўлидаги илк ташвишлари кезагидек эсимда. Ўн йил ичида бу ташвишлар кўпайса-кўпайдики, лекин камаймади. Газета алоқачилар ҳаётини акс эттириб бориш, уларнинг кўнгли ойнасига айланди. Газетанинг муштарийси ва муаллифи сифатида шунини ташкилламоқчиманки, “Хабар” мустақиллик ҳавоси-

қоронғу пучмоқларини ҳам мунаввар қилиб юборди. Ажабо, оғдотб ўз ҳарорати билан бизларни қуршаб олгани сайин юракларда янги-янги озулар бўлгани кўз очмоқда. Бу айём шарафати шундай сеҳрлики, яқинларимиз дийдорини кўрмоқда ошиқамиз. Наврўзи ташрифи билан қулламқ истаги шундай қўнмликки, ўз-ўзидан ҳар бир дини тенгсиз қувонч, ҳамма-ҳаммага фақат ва фақат эзуликлар совиниш ҳислари чулғаб олади. Дарахқақат, алломаларимиз ҳам таърифларини “Тантанан кун”нинг бир ажиб соддати олдари, яъни қўнғининг ерга жулгани яқинлашган соатлари бўлармиш. Яна шу соатлар ҳаётга, одамларга муҳаббатимизни оз чандон ошираммиш. Ёшларимиз кўзларида чақнаган ҳайрат кең имкониятлар, камолотнинг бесарҳад йўллари очилаётганидан бир дарақдир, балки.

Наврўзи арафасида кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиниди, урушдан қайтди. Кимдир дилини оритган кишини ўша инсондан уэр сўрайли. Баян ўрнида айтылган ташаккур ёки кечирим сўзи ҳар қандай ҳаля ва инъомлардан афзал ва бебаҳоқдир.

Наврўзида борлиқ шунчалар гўзал тароват касб этидики, оғдотбимиз, баҳоримиз бизга гайрат ва муҳаббат билан яшашни, вақт ганимат эканлигини еспатади. Келинг, шу табаррук кунни ҳар биримиз солиқ амалларимиз билан улғулайлик. Қолиб кетган ишларимизни уддалайлик. Унуттилганларни эслайлик. Аслида буларнинг ҳаммасига кўп маблағ ҳам, кўп вақт ҳам кетмайди.

Ҳар куннинг Наврўзи бўлишини исташ ҳаммамизга насиб этсин.

**Ш.МАДРАҲИМОВА**  
тайёрлиди

### ХОНДАЙЛИҚДА ЭКОЛОГИК ҲАШАР

Наврўзга бағишлаб Бўстонлик туманининг Хондайлик қишлоғида Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси ва маҳаллий аҳоли ҳамкорлигида ёш авлод экологик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида ҳашар ўтказилди. Тошкентдаги “Логос” жамоатчилик маркази ҳамда Соёлик қишлоғидаги “Чотқол” экологик гуруҳи уюштирган ҳашарда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Шу кунини Тошкент электротехника алоқа институти спорт-соғломлаштириш базаси майдонида Хондайликдаги 10-мактабнинг 7 ва 9-синф ўқувчилари ўртасида футбол мусобақаси ҳам бўлиб ўтди.

**Э.КАРИМОВА,**  
ТЭАИ фалсафа кафедраси ўқитувчиси

### СПОРТ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент шаҳридаги алоқа қорхоналарининг кекса ходимлари ўртасида Наврўз байрамига бағишланган спорт мусобақалари ўтказилди. Уч кун давом этган мусобақаларда иштирокчилар спортнинг учта тури бўйича ўзаро куч синашдилар.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаса уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т.Назаржонов мусобақаларда бош-қош бўлди.

Дартс бўйича эркаслар ўртасида Б.Покровский (Тошкент электротехника алоқа институти) биринчи, Ф.Садридинов (“ЎЗИ” ҚК) иккинчи, А.Усенко (“Тошкент почтамити”) АЖ) учинчи, аёллар ўртасида эса Н.Колотилина (Радиоалоқа, радиозиштириш ва телевидение қорхонаси) биринчи, Д.Аҳмедова (Тошкент алоқа коллежи) иккинчи, А.Қолдузова (“Ўзбекистон почтаси”) ДАК) лар учинчи ўринни эгаллашди.

Стол теннис ҳам қизиқарли ўтди. Спортнинг бу тури бўйича эркаслар беллашувида Т.Маҳмуджасев (“Ўзбектелеком”) АЖ) биринчи, А.Қодиров (Тошкент алоқа коллежи) иккинчи, Ш.Исамудхамме-

дов (“Ўзбекистон почтаси”) ДАК) учинчи, аёллардан И.Шертнева (“Тошкент телеграф-телефон станцияси”) филиали) биринчи, Г.Микли-на (ЎзАЛИ) иккинчи, Ж.Лаврина (Тошкент телевиорасиларга учинчи ўрин насиб этди.

Шахмат бўйича эркаслар ўртасида ўтган мусобақалар анча баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. А.Тогайлиев (“Алоқинвест”) АЖ) биринчи, Р.Раҳимов (“Тошкент шаҳар телефон тармоғи”) филиали) иккинчи, А.Алпуҳов (“Тошкент почтамити”) АЖ) лар учинчи, аёллардан Л.Миронова (“Тошкент шаҳар телефон тармоғи”) филиали) биринчи, Г.Гафигулина (Тошкент алоқа коллежи) иккинчи ва А.Ўреткова (ЎзАЛИ) лар учинчи натижани кўрсатдилар.

Мусобақалар якунида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори ўринбосари Ш.Обиджасев иштирок этди. Барча мусобақа қатнашчилари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Хабар” газетаси жамоаси “Ўзбектелеком” иттернетини, АН” қўлига қорғолиси бош директори Ҳисматил ҲАКИМОВ ҳамда “Хабар” почтамити” аширодорлик жамоаси бош директори Абдушукр ҲОҲИМҲУЛЛАММЕДОВАларни туғилган кунлари билан салтанат табриклайди. Уларга узоқ умр, сазоат-саломатлик, ишларида муборакқабиллар тилайди.

### “ЎЗИМПЭКСАЛОҚА” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2001 ЙИЛДАГИ БАЛАНСИ

| Кўрсаткичларнинг номи                  | Актив          | Пассив         |
|--|----------------|----------------|
| 1. Узоқ муддатли активлар              | 26545          |                |
| 2. Айланма активлар                    | 1807675        |                |
| Жумладан дебиторлар                    | 10947          |                |
| <b>Балансининг активи бўйича жами</b>  | <b>1834220</b> |                |
| I. Ўзлик маблағларнинг манбалари       |                | 1646079        |
| II. Мажбуриятлар                       |                | 188141         |
| Жумладан кредиторлар                   |                | 2211           |
| <b>Балансининг пассиви бўйича жами</b> |                | <b>1834220</b> |

*Қадри "Хавар" газетаси  
жамоаси!*

"Хавар"нинг ўн йиллик  
байрами ҳамда барча  
алоқачиларни яшариш ва  
янгилашни айёми бўлган  
Наврўзи олам билан  
муборакбод этамиз.

**Сизларга онлавий хотиржамлик,  
ижодингизга барака  
тилаймиз.**

**Кўклам таровати кезиб юрган  
диёримиз осмони доимо  
мусаффо бўлсин.**

**"Хоразм Телеком" филиали**

**Ҳурматли  
"Хавар" чилар!**

Сизларни ва барча  
алоқачиларни  
газетанинг ўн  
йиллиги ҳамда  
уйғониш даври, гузал  
бахор фаслининг  
Наврўз айёми билан  
чун қалбимиздан  
муборакбод этамиз.  
Хар бир хонадонга  
бахт ва шодлик,  
тинчлик ва  
саломалик, гузаллик  
ва самимият ҳамнафас  
бўлишини тилаб  
қоламиз.

COSCOM Ўзбек-Америка қўшма  
корхонаси GSM 900/1800 уяли алоқаси  
COSCOM Mobile City (Тошкент) 180 00  
00, 181 00 00, 182 00 00.

Энг мўтабар байрам ара-  
фасида қутлуғ ўн ёшга  
тўлган "Хавар" газетаси хо-  
димларини ва республика-  
нинг барча алоқачиларини  
Наврўзи олам билан сами-  
мий қутлаймиз.

*Газета жамоасида ижодий  
баркамоллик, юртимизнинг  
тилаймиз. Хар бир хонадонни  
хурсандчилиқ, бахт, омад  
тарк эттасин.*

**"Андижон Телеком"  
филиали**

**"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК "БУХОРО  
ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ  
ЖАМОАСИ**

Ўзининг ўн йиллигини нишонлаётган  
«Хавар» газетаси ходимларини ва ушбу  
газета орқали республикамиз алоқачи-  
ларини Наврўзи олам билан қизгин  
муборакбод этади.

Юртимизга тинчлик, осойишталик, дас-  
турхонингизга қут-барака, ишларингизга  
улкан зафарлар тилаймиз.

**Азиз ҳамкасблар!**

Сизларни газетангизнинг ўн йиллиги  
ва юртимиз алоқачиларини Наврўз  
айёми билан қутлаймиз.

**Хушчақчақлик доимо сизларга  
ҳамроҳ бўлсин.**

**"Муштум" ва "Афанди"  
тахририяти жамоаси**

**Ҳурматли  
ҳамкасблар!**

"Хавар" газетасининг ташкил этилганига  
ўн йил тўлиши муносабати билан ҳамкасб-  
ларимизни самимий табриклаймиз.

Сизларга мустақкам соғаник, янги-  
янги ижодий парвоз ҳамда алоқачи-  
лар ҳаётини ёритиш, уларнинг маъ-  
навий оламинини бойитишда эзгу иш-  
ларингизда муваффақиятлар  
тилаймиз.

**«МОТОР» газетаси жамоаси**

Шарқ халқларининг энг ҳаёт-бахш ва қадимий байрами Наврўз қачон пайдо бўлгани ҳусусида турли мулоҳазалар билдирилган. Атоқли олим Ҳодии Зариф Наврўзи оламнинг ёшини камиди уч минг йил, ҳатто ундан ҳам каттароқдир деб ҳисоблаган. Х асрада яшган олим Наршайхий бухоролик деҳқонларнинг Наврўзда айтиладиган Сиёвуш номи билан боғлиқ қўшиқлари ҳақида гапириб, “бу гаплар бўлиб ўтганига ҳозир уч минг йилдан кўпроқ вақт ўтди” деб ёзди.

Қадимги афсоналардан бирида ҳикоя қилинишича, Наврўз Жамшид подшо бўлиб, тахта ўтирган кундир. Афсонага кўра, у турли қимматбаҳо тошлар билан жило берилган, кўр-жавоҳирлар қадалган тожани кийиб, тонг маҳали шохона ясаёлган тахта ўтирибди. Шу пайт кўёш чиқиб, унинг заррин нурлари Жамшиднинг тожу тахтини ёритибди. Бутун теварак-атроф мунаввар бўлиб кетибди. Бу гаройиб мўъжизани кўрган улус ҳайратланиб, ушбу кунни “Наврўз”, яъни “янги кун” деб байрам қилган экан.

Юқордаги афсонадан кўриниб турибдики, баҳор байрами — Наврўзнинг юзага келиши боболаримизнинг ҳаёт манбаи бўлиши кўёш маъбудига сиғиниш, офтоб ва оловнинг ҳаётбахш қудратига имон кел-

тириш билан боғлиқ қадимий қарашларига бориб тақалади.

Наврўз байрамининг пайдо бўлиши Урта Осиёда яшаган қадимги аҳоли диний қарашлари мажмуаси — зардуштийлик билан алоқадордир. Таниқли инглиз олими М.Бойснинг ёзишича, қадимги зардуштийлар

ларига нафис гавҳарлар осилган эди. Турк ва форс аҳли унга тамом таъзим қилиб, кўп ҳада ва назирлар келтирар эдилар”.

Наврўз асрлар давомида янгича қарашлар ва удуллар билан бойиб борди. Шу билан бирга уни нишонлашда аждолларимизнинг қадимги

ри уйларнинг тахта поли бўлмаган, лойсувоқдан сандал учун чуқурча ўйилган, қиш бўйи ана шу сандал атрофида ўтирганлар. Наврўз келиши билан сандаллар олинди, чуқурча кўмилган, одамлар “қишдан кутулдик, кўксамга етишдик”, деб ўрик туршагидан қилинган шарбат ичганлар. Улар Наврўзни йил алмашиниши, қишнинг яқунланиши, баҳорнинг бошланиш нуқтаси деб билишган.

Йил боши киргач, ҳаволар иситиб кетишига ишонилган.

Наврўз 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси “Қозон тўли” удуми билан бошланади. “Қозон тўли” соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир оила ўз имкониятига қараб тансиқ таомлар (кўпинча, палов), кўкат сомсалар, бугирсоқлар тайёрлайди. Шунингдек, бобо деҳқон ҳақиқа “ис” чиқарадилар. Эртасига “ис” ёни билан қўшга қўпиладиган ҳўкизларнинг шохларини мойлашган. Тайёрланган таомлар ва пиширилган қўни-қўшиларга улашилган. Шу оқшомада кечаси билан кўпчилик бўлиб сумалак ва ҳалим ҳам пиширилган.

И.ОМОНОВ тайёрлади

## ҚАЛБЛАРНИ МУНАВВАР АЙЛАГАН НАВРЎЗ

оламда табиат узғаришлари, фасллар алмашинуви, кўёш ҳаракати, ҳуллас, дунёдаги ҳаётнинг ўз-назмига солиб турувчи бир куч бор, деб ўйланган экан. Бу илоқий қудрат, яъни табиат қонуни зардуштийликнинг китоби “Авесто”да “аша” сўзи билан ифода-ланган, “Аша” сўзи эса “ҳақиқат”, “эзгулик” маъноларини аниглайди. Исломуғача бўлган даврда аждолларимиз Наврўзни жуда ардоқлаганлар, ҳатто унинг шарафига ҳашаматли бинолар қуришгани ҳам маълум. Ҳофиз Тавқиш ибн Мир Муҳаммад Бухорий қаламига мансуб “Абдуллонома” асарининг иккинчи жилдида шундай ёзилган: “Манучехр Балхда бир бино солган эди. Уни Навбахор дедилар. Бу бино катта бутхона эди ва уни кўп улуглар эдилар. Баландинги юз газдан ортик бўлиб, хоналарининг ҳаммаси ортик бўлиб ўралиб, девор-

мофологик тасаввурлари ва ҳаёт тарзи билан алоқадор маросим, удум ва ўйинлар ҳам сарқаниб қолди ҳамда янгида давом этди. Шу кунларда бундай удум ва ўйинларни республикамизнинг турли ерларида кузатиш мумкин. Наврўз байрами билан боғлиқ табирилар ва унга алоқадор удумлар шарҳи равишида иккига (байрам-гача ва байрамдан кейин ўтказиладиган) бўлинди. Байрамгача бўлган талбирларга экин-тикинга тайёрларлик кўриш, кўнлар, ҳовли-жойлар, мазорларни тозалаш, байрам билан алоқадор таомлар (сумалак, ҳалим) пишириш талорининг кўриш, янги сарполар тикиш ва бошқалар кирди. Бунлай талбирлар турли жойларда шароитга қараб турлича ўтказилади. Масалан, кўпгина жойларда Наврўз арафасида ўрик туршагини эзиб, маҳсус шарбат тайёрлайдилар. Илгарила-

### ХАНДАЛАР

— Даласи, Наврўз байрамида ёзиладиган дастурхонимизга кимларни таклиф қилсак экан?

— Биринчи галда парҳездагиларни чақирамиз.

— Ойи, байрамда кўчага чиқиб, Комил билан ўйнасам майлими?

— Йўқ, у ёмон бола.  
— Бўлмаса, чиқиб уни урсам майлими?

— Ҳой қўшни, лоақал байрам кунни итингизни боғлаб қўйсангиз бўлмайди? Қаранг, товугимизни еб қўйипти.

— Отоҳдантирганингиз учун раҳмат, бутун унга овқат бермаса ҳам бўлар экан.

— Сенга “Наврўз тонгги” деган мавзуда расм чизгин дегандимку, нега бошқа мавзунга танладингиз? — деди муаллим ўқувчи.

— Тезроқ татил бошлансин деб, “Ёз тонгги”ни чиза қолдим.

Ота-онасига Наврўз табрикномаси ёзаётган талаба мактубини шундай сўзлар билан тугатди: “Анчадан буён Сизлардан хат-хабар олмадим, хавотирланяпман. Аҳволларингиз яхши эканлигига ишонч ҳосил қилишим учун менга зудлик билан ўн минг сўм юборинлар”.

Наврўзда келиб, уч-тўрт кун ётиб қолса-да, уйига қайтишга шоямаетган меҳмонга мезбон деди:

— Хотинингиз Сизни соғиниб қолгандир, оралдан шунча кун ўтди.

— Эслатиб қўйганингиз учун раҳмат, ҳозироқ унга “Тезда бу ёққа етиб кел!” деб телеграмма юбораман.



## СУМАЛАК ҲАҚИДА

● Қишдан эсон-омон чиқиб олган одамлар бир-икки қосадан бугдой йиғиб, ундириб, бир дошқозонда сумалак пишириб ейишса, бир-бирларига қариндошдек яқин бўлиб қолишади.

● Сумалак бугдойи ундириладиган уйга бегона кишиларни киритмайдилар. Покиза одам ушбу хонага “Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм” деб киради ва майгаса сув сепеди.

● Кўқартирилган бугдой майгасини одамлар кўзига суртишади, “яхшилиқ, янгилик”, деб таваф қиладилар. Бу билан Наврўздан бошланган янги йилда мул ҳосил, юрт тинч-омон бўлишини ният қилишади.

● Сумалак пишадиган кунни ҳамма янги кийим кияди. Янги либос кийишга имкони бўлмаган киши ҳеч бўлмаса бирорта оҳорли мато бўлаги билан бармогини боғлаб қўйса ҳам савоб бўлади, дейдилар.

● Сумалак майгасининг суви қўни-қўшиларга, қариндош-уруғларга улашилади. Бу сув солинган қозонда пишиган таом баракали бўлади, деб ҳисоблайдилар.

● Сумалак тарқатилгандан кейин яхши ният қилган аёл дошқозонни ювади. Сўнгра дуо ўқиб, қозон ичидаги сувни юрт мевали дарахт тагига тўқади.

## ХИКМАТЛАР

● Дўстлар қанча кўп бўлса, бало шунча кам ёпишади.

● Инсон умидсизликка, саросимага тушмаслиги керак, акс ҳолда бало селдек ёғилаверади, фалокат тўлқинлари кучаяверади.

● Улуғлар дебдурларки, шижоатли ва кучли ботирлар — урушда, хотин ва фарзандлар

— камбағалликда, дўст ва биродарлар — бошга қулфат тушганда таниладилар.

● Ақлли одам маккор душмanning сўзига ишонмайди, онт ичиб берган ваъдаларига уммайди, душмандан қанчалик кўп марҳамат ва лутф-қарам кўрса, шунчалик эҳтиёткор бўлади.

“Калила ва Димна” дан

Узрли сабабларга кўра телевидение дастурларини бериш имконияти бўлмади. Кейинги соғалардан телевидение дастурлари одатдагидек чоп этилади.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

**Бош муҳаррир:**  
Шодмон ОТАБЕК

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Шомансур ОБИДУЖАЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иzzат АХМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТЎЛЕБОВ  
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Саидмуҳаммад АКБАРОВ  
Шоҳрух АКБАРОВ  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,  
Тошкент-35, А. Толстой  
кўчаси, 1.



**ТЕЛЕФОНИМИЗ:**  
136-36-42, 136-35-29,  
144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600

Тахририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-290.  
9901 нуқсдада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.**

Манзили:  
Тошкент шаҳри,  
«Буюк Турон» кўчаси,  
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6